ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

O‘ZLIDEP

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

24-sentabr
2026-yil
38 (1 192)

21asr.uz XXIasr_yangiliklari XXIASR XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Она тили — умуммиллат мулки, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Тил ёлғиз мутахассисларнинг мулки, хусусий томорқаси эмас, уни бойитиш, гўзал қилиш, хас-хашаклардан тозалаш, унутилган, маъноси ўзгарган сўзларни тиклаш ҳамманинг иши.

МУНОСАБАТ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: тарихий бунёдкорлик ва улкан иқтисодий ўзгаришлар



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга навбатдаги амалий ташрифи ва ўтказилган тарихий йиғилишлари ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий қиёфасини тубдан ўзгартириб, янги ривожланиш даврини бошлаб бермоқда. Муқобил энергетика, саноатни диверсификация қилиш, рақамли технологиялар, замонавий боғдорчилик ҳамда “яшил” иқтисодиёт бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар нафақат бугунги эҳтиёжларга, балки Оролбўйининг узоқ муддатли фаровонлигига хизмат қилади.

Қорақалпоғистонда бошланган бугунги кенг кўламли бунёдкорлик ва инвестициявий юксалиш ҳудуд аҳолиси учун янги даромад манбалари, муносиб иш ўринлари ва порлоқ келажак пойдеворини мустаҳкамламоқда.

3

БУГУНГИ СОНДА


Саҳро бағридаги хазина 4


Хорижий САРМОЯларнинг сони эмас, сифати муҳим 5


Чироқчидаги сайёр қабул нима берди? 5


Депутат томошабин бўлолмайди 5

САЁҲАТНОМА

“САЛОМ” ва “ХАЙР”лар ўртасидамиз

ИЗОҲ: *Бу гал анъанани буздим: биламан, одатда насрий ва назмий ижод намуналари кимларгадир бағишлаб битиларди. Мен эса зиёрат-саёҳатларда кўрган-кечирганларим ҳақидаги публицистик чиқишларимни кузатиб келаётган қадрдон акам, устоз Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Худонинг берган куни йўлдасиз, хўш, “Йўл”ни қачон ёзасиз, Норқобил?!” деган тагдор саволига ҳамон жавоб излаяпман. Аслида ҳаммамиз шу беш кунлик ғанимат дунёда меҳмону йўловчилармиз. Умримиз йўлларда, сафару зиёратларда – “салом” ва “хайр” ўртасида ўтиб кетади...*

Хуршид Дўстмуҳаммадга бағишладим!

6

МУРОЖААТДАН НАТИЖАГАЧА

бўлган масофа аслида жуда яқин, фақат...



2

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Актам Хаитов бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли мурожаатлари, қишлоқ хўжалигидаги мавсумий имкониятлар, ичимлик суви таъминоти, йўл ва ижтимоий объектлар ҳолати, хуллас, одамларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ масалаларни атрофлича ўрганди.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

МУРОЖААТДАН НАТИЖАГАЧА

бўлган масофа аслида жуда яқин, фақат...

Бошланиши 1-саҳифада.

Имконият даромадга йўл очади

Кегейли туманидаги “Жузимбағ” ОФЙда фермерлар билан мулоқот қишлоқ хўжалигида бир қарашда оддий кўринган, аммо даромад ва маҳсулот таъминотига бевосита таъсир қиладиган масалани кун тартибига чиқарди. Яъни мавсумлар оралиғида ердан қанчалик самарали фойдаланиш мумкинлиги муҳокама этилди.

Мулоқотда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг аграр, сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш ва экология масалалари қўмитаси раиси А. Жуманазаров, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири А. Айтбаев, туман ҳокимликларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича масъуллари, соҳа вакиллари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда кечки картошка, август–сентябрь пиёзи, саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида экин етиштириш имкониятлари муҳокама қилинди. Фермерларга экинларни ўз вақтида экиш, мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад манбаларини яратиш бўйича тавсиялар берилди.

Масаланинг иқтисодий томони ҳам четда қолмади. Тўқсонбости усулида маҳсулот етиштириш учун дуга, плёнка, уруғ ва ўғит харид қилишга айланма маблағ зарурлиги қайд этилиб, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳузуридаги Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 18 ой муддатга, йиллик 14 фоиздан, 6 ойлик имтиёзли давр билан ресурс ажратиш таклифи билдирилди.

Бунда назарий тавсия билан чекланилмади. Қорақалпоғистон агрохизматлар марказининг тўқсонбости усулида маҳсулот етиштириш бўйича тавсиявий қўлланмаси фермерларга тарқатилди. Тўқсонбости технологиясининг агротехник жиҳатлари бўйича Сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон илмий-тажриба станцияси директори М. Джалимбетов ҳам илмий асосланган маълумотлар бериб ўтди. Август–сентябрь пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости экинларини экиш технологияси кўргазмали тарзда намойиш этилди. Хўжайли туманидаги “Саманкўл” ОФЙнинг тажрибали деҳқони Азат Сапаров пиёз етиштириш бўйича ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

Шу тариқа, ердан қўшимча ҳосил олиш масаласи фақат тавсия даражасида эмас, балки маблағ, агротехнология ва амалий тажриба билан биргаликда кўриб чиқилди.

Оила тинчлиги сири қаерда?

Нукус туманидаги Дийкан арна маҳалласида ҳозирги кунда 4517 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда савдо ва хизмат кўрсатиш, тикувчилик, мебель ишлаб чиқариш, новвойлик каби йўналишларда 34 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Хонадонларга тегишли 59 гектар томорқа ерларининг 58 гектарида экин етиштирилаётгани ҳам аҳолининг ўз имкониятидан етарлича фойдаланаётганини кўрсатади.

Маҳалладаги ижтимоий ҳолат ҳам ёмонмас: 107 нафар хотин-қиз “Аёллар дафтари”га киритилган, 49 нафар ёлғиз кекса ва 86 нафар ногиронлиги бўлган шахс бор.



Шу муҳитда тадбиркорликнинг яна бир намунаси – асаларичилик фаолияти ҳам кўзга ташланади. Тадбиркор Бахтиёр Жумабоев йилига қарийб 100 та асалари уясини тайёрлаб, бу йўналишда ёшларга ҳам тажриба ўргатмоқда.

Нукус шаҳрининг Жас авлод маҳалласида эса ободонлаштириш ва хизмат кўрсатиш имкониятлари билан бирга ҳунармандчиликни ривожлантиришга эътибор қаратилган. Маҳаллада “Ҳунармандлар уйи” ташкил этилган бўлиб, унда қарийб 20 нафар ҳунарманд ва хизмат кўрсатувчи, жумладан, тикувчилар ва сартарошлар фаолият юритмоқда. Хотин-қизларни касбга ўргатиш ва уларнинг бандлигини ошириш режалари ҳам белгиланган.

Дўстлик маҳалласида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати, аҳоли хонадонларидаги шароитлар ўрганилди. Аҳоли томонидан билдирилган таклиф ва мурожаатлар тингланиб, кўтарилган масалалар юзасидан масъулларга тегишли вазифалар юклатилди. Жумладан, Дўстлик маҳалласидаги “Ажинияз” экопарки фаолияти ҳам кўздан кечирилиб, уни кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан тавсиялар берилди.

Мўйноқда муаммолар кам эмас

Мўйноқдаги ўрганишларнинг энг йириги ичимлик суви таъминоти масаласи бўлди. Мазкур ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Ўзбекистоннинг ғарбий қисмида ичимлик суви таъминоти тизимларини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 4271-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг бош пудратчиси – “Archico” МЧЖ. Умумий қиймати 8,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳани жорий йил октябрь ойида тўлиқ якунлаш режалаштирилган.

“Қорақалпоқ сув таъминоти” АЖнинг туман бўлимида амалга оширилаётган лойиҳа доирасида 5 та сув тақсимлаш иншооти ва 9 та сув резервуари қурилади. Айримлари реконструкция қилиниб, 97,8 километр сув тармоғи тортилади ҳамда 1264 та сув ҳисоблагичи ўрнатилади. Тармоқнинг 95,6 километри аллақачон ётқизилган. Лойиҳа якунига етгач, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 64 фоиздан 100 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Бироқ инфратузилма масаласи фақат қувур тортиш билан тугамайди. “Орол денгизи тарихи” музейида Орол денгизининг аввалги ҳолати ва қуриш жараёни, маҳаллий аҳолининг анъана ва урф-одатлари, ҳудуднинг ўзига хос табиати ва ҳайвонот оламига оид фотоархивлар, ҳужжатлар ҳамда ашёлар билан танишилди. Музей ва унга туташ туристик объектларнинг жозибадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, музей ва “Кемалар қабристони” кўргазма майдони атрофидаги инфратузилмани яхшилаш, сайёҳлар учун қулай дам олиш жойлари ва туристик автобуслар учун махсус тўхташ майдонларини ташкил этиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Шу билан бирга, Мўйноқ аҳолиси электр ва табиий газ учун белгиланган лимитларни ошириш, интернет тарифларини қайта кўриб чиқиш каби таклифларни ҳам билдирди. Ижтимоий хизматлар йўналишида ҳам аниқ натижалар бор. Бугун тумандаги 12 та маҳаллада ижтимоий ходимлар фаолият юритиб, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқаролар билан индивидуал иш олиб бормоқда. “Ёлғиз кекса” реестрига киритилган 28 нафар кекса 6 нафар ассистент томонидан ижтимоий-маиший ва ижтимоий-тиббий хизматлар билан қамраб олинган.

Шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларидан 242 нафарига оталиқ ва ҳомийлик белгиланган. 2026 йилда икки нафар бола уй-жой билан таъминланган, яна икки нафар ёш олий таълим муассасаларига жойлаштирилган. Ногиронлиги бўлган 125 нафар шахсга реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия мосламалари тақдим этилган.

Шу билан бирга, Мўйноқда аҳолининг бандлиги ва даромадини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳам кун тартибига чиқди. 12 та маҳаллада ўтказилган ижтимоий-демографик ўрганишда 499 та хонадон, 2458 нафар аҳоли қамраб олинган. Меҳнатга лаёқатли 1006 нафар аҳолидан 249 нафари доимий иш, 87 нафари юқори даромадли иш излаётганини билдирган. 53 нафар фуқаро касб-ҳунар, 30 нафари чет тили ўрганиш истагини билдирган. 46 та оила аъзосида тадбиркорлик ташаббуси борлиги, 20 нафар фуқаро эса тадбиркорлик бўйича ўқишга эҳтиёж билдирган.

Ўрганишларда яна бир амалий муаммо кўтарилди: фуқаро кредит олгач, ўзини ўзи банд қилган шахс мақоми бекор қилиниши натижасида камбағалликни қисқартириш реестридан қайта чиқиб қолиши мумкин. Шу боис ушбу мақомни камида бир йил сақлаб қолиш имкониятини кўриб чиқиш таклифи билдирилди.

Бунга қўшимча равишда, аҳолини бандликка йўналтириш жараёнини рақамлаштириш, иш изловчиларни Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали рўйхатга олиш ҳамда навбатини электрон шаклда кузатиш таклиф қилинди.

Демак, Мўйноқда сув таъминотидан тортиб, бандликкача бўлган масалалар бир-бири билан боғлиқ ҳолда кўрилди. Инфратузилма яхшиланиши аҳоли турмушига, иш ўринлари эса оила даромадига таъсир қилади.

Шуманайда-чи, қандай ўзгаришлар бор?

Шуманай туманидаги ўрганишлар тиббиётдан бошлаб, йўл, ичимлик суви, мактабгача таълим ва ёшлар тадбиркорлигигача бўлган масалаларни қамраб олди. Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада тиббий хизматлар ҳолати, моддий-техник база, жиҳозлар ва кадрлар масаласи кўриб чиқилди. Тор соҳа мутахассислари етишмаслиги сабаб айрим беморлар қўшимча текширув ва даволаниш учун Нукус шаҳрига боришга мажбур бўлаётгани қайд этилди. Шу муносабат билан туман тиббиёт муассасаси учун тор соҳа шифокорларини тайёрлашга мақсадли давлат гранти асосида резидентура квоталарини ажратиш масаласини кўриб чиқиш белгиланди.

Тадбиркорлик йўналишида “Ҳасес Шоманай” фермер хўжалигидаги иссиқхона фаолияти билан танишилди. Бирлешик маҳалласида эса ёш тадбиркор Айнура Жумабаева 100 миллион сўм кредит асосида бошлаган фаолиятини кенгайтириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Аҳоли учун энг оддий, аммо энг зарур масалалардан бири – йўл ҳолати ҳам жойида кўриб чиқилди. Қорабайли маҳалласида Кўктерек кўчасидаги 21-сонли мактабга олиб борувчи йўлнинг ҳолати ўрганилиб, мактабгача бўлган 1 километр йўлни яхшилаш масаласи кўтарилди. Шунингдек, мактаб ҳудудида 12х24 метр ўлчамдаги спорт залига эҳтиёж борлиги билдирилди.

Мамий маҳалласидаги Алғабас кўчасида жойлашган 23-сонли мактабгача бўлган 1,6 километр йўлга асфальт қопламаси ётқизиш таклифи билдирилди.

Ичимлик суви бўйича эса Мамий маҳалласидаги 6-сонли сув тақсимлаш иншоотини реконструкция қилиш ва Шоржап ҳамда Дийдар овулларига 22 километр ичимлик суви тармоғини тортиш зарурати аниқланди.

Ақжап маҳалласидаги 90 ўринли мактабгача таълим ташкилотининг қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланган. Энди уни фойдаланишга тўлақонли топшириш учун зарур жиҳозлар билан таъминлаш масаласи турибди.

Шундай қилиб, Шуманайдаги ҳар бир масала аниқ манзилга эга: қаерда йўл, қаерда сув, қаерда мутахассис, қаерда жиҳоз муаммоси борлиги белгиланиб, ечимга йўналтирилди.

САРҲИСОБ

Жойлардаги ўрганишларнинг энг муҳим қисми – аҳоли билан бевосита мулоқот бўлди. Мўйноқда “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасидаги сайёр қабулда 250 нафар фуқаро, 19 нафар тадбиркор ва фермер иштирок этди. Мурожаатларнинг 12 таси уй-жой, 9 таси коммунал хизматлар, 6 таси ижтимоий ёрдам, 5 таси ишга жойлашиш, 5 таси таълим бўйича ҳамда 3 та тиббиёт бўйича масалани қамраб олган. Шунингдек, йўл қурилиши, тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги бўйича 2 тадан, электр тармоқлари бўйича 1 та ҳамда бошқа йўналишларда 6 та масала кўтарилди. Мухтасар айтганда, қабул давомида 53 та муаммо аниқланиб, уларнинг 46 таси жойида ижобий ҳал этилди, 7 та ҳолат бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилди. 25 нафар фуқарога 224 миллион 600 минг сўмлик турли амалий ёрдам кўрсатилди.

Шуманайда эса сайёр қабулга 274 нафар фуқаро, 21 нафар тадбиркор ва фермер мурожаат қилди. Бу ерда 57 та муаммо қайд этилди, 38 таси жойида ҳал қилинди, 19 та мурожаат юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилди. 41 нафар фуқарога 103 миллион 400 минг сўм миқдорида амалий ёрдам кўрсатилди.

Бу рақамларнинг аҳамияти уларнинг кўплигида эмас. Муҳими – мурожаатнинг қайд этилиб қолмасдан, унинг манзили, масъули ва кейинги ечими белгилаб борилаётганида.

Мурожаатлар рақам билан ўлчанмайди

Қорақалпоғистондаги бу манзиллар турлича: Кегейлида – ердан қўшимча даромад олиш имконияти, Нукусда – маҳалладаги тадбиркорлик салоҳияти, Мўйноқда – сув, бандлик ва ижтимоий ҳимоя, Шуманайда эса йўл, тиббиёт, сув ва таълим инфратузилмаси.

O‘zLiDeP раиси Актам Хаитов ишчи гуруҳ ўрганишлари ўтган ҳафта охирида давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи билан ҳамоҳанг ўтганини таъкидлар экан, қувонч билан қуйидаги расмий рақамларни келтирди: *“Сўнгги йилларда Оролбўйи ҳудудларида тадбиркорлик ва инвестициялар учун яратилаётган қулай шароитлар иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Охирги тўққиз йилда юқори даромадли иш ўринларини яратиш учун Қорақалпоғистонга 5 миллиард доллардан зиёд сармоя киритилди. Жорий йил якунига қадар хорижий инвестициялар ҳажми 2,5 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Ҳудудда фаолият юритаётган хорижий ва қўшма корхоналар сони 2018 йилга нисбатан 2,2 баробар ошиб, 271 тани ташкил этди. Эътиборлиси, мазкур ташриф доирасида 592 миллион долларлик 11 та лойиҳа ишга туширилди ҳамда хорижий ҳамкорлар иштирокида амалга ошириладиган 7 миллиард долларлик 47 та янги лойиҳа қурилишига старт берилди. Уларнинг ҳисобига 8 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилади.*

Энди ўйланг, бундан узоқ эмас, нари борса 10-15 йил аввал Қорақалпоғистон заминида шу даражада улкан инқилобий ўзгаришлар рўй беради дейилса, ким ишонарди, айтинглар! Албатта, бу ислоҳотлар замирида мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, фаровонлик ва тўкинлик билан боғлиқ ўзгаришлардан розилик, манфаатдорлик ҳисси ётибди. Шундай экан, биз ҳам барча партиядошларимиз билан бу ҳудудда олиб борилаётган хайрли ишларга хайрихоҳ ва камарбаста бўлаверамиз!







O‘zLiDeP ишчи гуруҳи томонидан тақдим этилган ўрганишлар асосида “XXI asr” мухбири Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: тарихий бунёдкорлик ва улкан иқтисодий ўзгаришлар

Бошланиши 1-саҳифада.

Қорақалпоғистон бугун кенг кўламли янгиланишлар, улкан бунёдкорлик ва иқтисодий ўзгаришлар майдонига айланмоқда. Ҳудудда амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот, янги лойиҳа, аввало, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, улар учун муносиб меҳнат ва даромад манбаларини яратиш, замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга доимий эътибори ва амалий ташрифлари натижасида йиллар давомида тўпланиб қолган мураккаб ижтимоий-иқтисодий масалалар босқичма-босқич ечим топмоқда. Шаҳар ва туманларда янги саноат корхоналари, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари, энергетика объектлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқда. Маҳаллалар қиёфаси ўзгариб, одамлар учун янги имкониятлар очилмоқда.

Бу галги ташриф ҳам ана шу эзгу ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган ташаббусларга бой бўлди. Ташриф дастури ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, бир неча туман ва шаҳарда саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт, транспорт, туризм ва спорт соҳаларига оид 11 та объект фаолияти билан танишилди. Янги лойиҳаларнинг ишга туширилиши ва қурилишига старт берилиб, келгуси истиқболлари белгиланди.

Юртбошимиз лавозимга киришган илк кунларданоқ Қорақалпоғистонга алоҳида эътибор қаратгани ҳамон ёдимизда. Ва ўша пайтданоқ “Маданият Мўйноқдан бошланади” деган эзгу ғоя асосида энг чекка, мураккаб ҳудудларда ҳам катта ўзгаришларни бошлашга қатъий киришилгани эди. 2017 йилдан буён фақат Қорақалпоғистонга таалluқли 80 дан зиёд фармон ва қарор қабул қилингани фикримиз далилидир. Орол фожиаси эса нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё олдида турган долзарб экологик муаммо сифатида халқаро кун тартибига олиб чиқилди. Денгизнинг қуриб қолган тубида миллион гектарлаб яшил ўрмонзор барпо этилаётгани амалий ишларнинг кўламини кўрсатади. Шу билан бир қаторда ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бу ёндашув иқтисодий салоҳиятни ошириш, бандликни таъминлаш ва янги даромад манбаларини яратишда муҳим омилга айланди ва айни дамда сезиларли ўсиш кузатилмоқда. 2017 йилда Қорақалпоғистоннинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 13,5 трлн сўмни ташкил этган бўлса, бугун ушбу кўрсаткич 54,1 трлндан ошди. Фаол тадбиркорлик субъектлари сони 2,5 баробар кўпайиб, 26,5 мингтага етди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда хусусий секторнинг улуши 66 фоизга етди. Инвестиция муҳитининг яхшиланган боис хорижий сармоя ҳажми йил сайин ошмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 1,8 млрд доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилди. Маблағлар ҳисобига янги корхона, замонавий энергетика объектлари, юқори технологияли ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилмоқда. Жорий йилда 1 млрд 933 млн долларга тенг 461 та объект ишга туширилиши натижасида 11 376 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳудуднинг кенглиги ва табиий иқлим шароити муқобил энергетика лойиҳаларини амалга ошириш учун катта имконият яратади. Шу боис шамол ва қуёш энергетикасига оид йирик инвестиция лойиҳалари жадаллашмоқда. Қораўзак туманида умумий қуввати 300 мегаватт бўлган иккита шамол электр станцияси ва 100 мегаваттли электр энергиясини сақлаш тизими ишга туширилди. “Нукус-1” ва “Нукус-2” шамол электр станцияларининг ишга туширилиши энергетика салоҳиятини янада оширди. Қўнғирот туманида Саудия Арабистонининг “ACWA” компанияси билан ҳамкорликда қиймати 2,6 млрд доллар бўлган, қуввати 1,5 гигаваттлик шамол электр станцияси барпо этилмоқда. Лойиҳа доирасида 1,5 минг км юқори кучланишли электр тармоғи тортилади, 500 киловольтли учта подстанция қурилади ва яна иккитаси модернизация қилинади. Бу каби йирик лойиҳалар нафақат электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини оширади, балки янги саноат корхоналарини барпо этиш учун мустаҳкам база яратади, ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш ва иқтисодиётнинг янги тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилади.

IT ва рақамли технологиялар учун ҳам янги имкониятлар очилмоқда. Умумий қиймати 5 млрд доллардан ортиқ бўлган 3 тадан майнинг ва дата марказлари барпо этилмоқда. Тахиатошда “Linkwise” корхонасининг 150 млн долларлик модулли интеллектуал ҳисоблаш марказининг биринчи босқичи ишга туширилгани рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Қорақалпоғистон саноатидаги янги босқич – маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишдир. Нукус шаҳридаги “Nukus insulation group” корхонаси маҳаллий базальт хомашёсидан замонавий иссиқлик изоляция материаллари ишлаб чиқармоқда. Бу каби корхоналар ҳудуднинг табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш билан бирга қурилиш материаллари саноатини ҳам ривожлантирмоқда. Айни шаҳардаги “Coals KS” корхонаси фаолияти ҳам саноатни диверсификация қилиш борасидаги ишларга мисол. Умумий қиймати 16,3 млн долларлик ушбу лойиҳа доирасида йилига 300 минг куб метр газоблок ва 165 минг тонна оҳак ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Газоблокларнинг енгиллиги, иссиқликни сақлаш ҳамда товуш изоляцияси хусусиятлари қурилиш соҳаси учун жуда муҳим бўлиб, уларнинг оддий пишиқ ғиштга нисбатан 3-4 баробар енгиллиги харажатларни сезиларли даражада камайтиради. Маҳсулотларни ички бозор билан бир қаторда Қозоғистон ва Туркманистонга экспорт қилиш режалаштирилган. Корхонада 200 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари меҳнат қилмоқда.

Саноат корхоналарини ишга тушириш билан бирга кадрлар тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш масаласи ҳам муҳим вазифага айланмоқда. Корхоналарга маҳсулот таннархини пасайтириш баробарида сифатни юқори даражада сақлаш, ишлаб чиқариш ҳажми ва экспорт имкониятларини кенгайтириш, ходимлар малакасини мунтазам ошириб бориш вазифалари белгиланган. Янги инвестиция лойиҳаларининг яна бир муҳим жиҳати – ҳудудлар кесимида амалга оширилаётганидир. Қораўзак, Қўнғирот, Тахиатош, Чимбой, Амударё, Беруний, Тахтакўпир туманларида ҳам саноат ва инвестиция лойиҳалари кенгаймоқда. Бу эса иқтисодий фаолликни фақат Нукус шаҳрида эмас, балки бутун ҳудуд бўйлаб ошириш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари “хомашё – тайёр маҳсулот – экспорт” занжири асосида янги лойиҳаларни шакллантириш вазифасини белгилаб берди. Амударё, Беруний, Тахтакўпир, Кегейли ва Тўрткўл туманларида яқин йиллар ичида тўқимачилик ва чарм саноатида камида 150 млн долларлик лойиҳалар амалга оширилади. Нукус шаҳри ва тумани ҳамда Қораўзакда электротехника саноатида 200 млн долларлик, Қораўзак, Бўзатов ва Берунийда энергия тежамкор қурилиш материаллари бўйича 100 млн, Нукус шаҳрида автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш бўйича 120 млн, бир қатор туманларда фармацевтика соҳасида 50 млн долларлик лойиҳалар йўлга қўйилади. Италиянинг “Bonifika Ferrarizi” компанияси билан Тахтакўпир туманида 50 млн долларлик лойиҳа бошланмоқда. 2 минг гектар майдонда Италия технологияси асосида помидор ва ғалла етиштирилиб, чуқур қайта ишланади ва Европага экспорт қилинади. Келаси йили Қорақалпоғистонга 5 млрд доллар инвестиция жалб қилиш вазифаси белгилангани ҳам ҳудудда саноат ва инвестиция соҳасидаги ишлар кўлами янада кенгайишидан далолат. Драйвер лойиҳаларга 100 млн доллар йўналтирилиб, камида 50 минг нафар инсонни даромадли қилиш мақсад қилинган.

Хуллас, бугун Қорақалпоғистонда кечаётган ўзгаришларни оддий рақамлар билан ифодалаш қийин. Ҳар бир янги завод, инвестиция лойиҳалари ортида янги иш ўрни, янги касб, янги даромад манбаи ва оилалар фаровонлиги турибди.



Гулжан ХАЛМУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

РЕСУРСДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

Нукус шаҳрида Президентимиз раислигида Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда республикада ер, қазилма бойликлар, қуёш ва шамол энергияси, кенг яйловлар мавжудлиги, “ресурсдан тайёр маҳсулотгача” занжирини қамраб оладиган янги саноат ва инвестиция харитаси яратилиши алоҳида қайд этилди.



Бахитбай АЛДАМУРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Энг йирик ташаббуслар боғдорчилик соҳасига тегишли: яъни 30 минг гектар майдонда шўрга чидамли олхўри ва кечки ўрик плантацияларини ташкил этиш бўйича уч йиллик дастур амалга оширилади. Давлатимиз раҳбари Кегейлида 330 гектар шўр ерда яратилаётган саноатлашган боғни ўз кўзи билан кўрди. Дастур доирасидаги дастлабки 10 минг гектарда ишлар шу йилнинг ўзида бошланади. Ҳар бир ҳудудда 50 гектардан боғ жорий йил, қолган майдонларда эса баҳорда барпо этилади. Ижро аниқ тизимга солинган, вилоят ҳокимлари 500 ва минг гектардан боғ яратишга масъул бўлади. Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимлари ва Боғдорчилик агентлиги ўртасида уч томонлама шартномалар тузилади. Икки ҳафта ичида ҳар бир вилоят учун ер ажратилиб, кафолатли сув таъминоти яратилади, агентлик 1 октябргача иқлимга мос кўчат навлари ва экиш технологияларини тақдим этади. Андижондан ер бўйича мутахассис ва деҳқонлар келиб, ишни бошлаб юборган. Уста деҳқон ва агрономлар жалб қилиниб, уларга уй-жой қуриб берилади. Қайта ишлаш қувватлари ҳам шу ернинг ўзида ташкил этилади. Мақсад – боғдорчиликда 20 минг кишини иш билан таъминлаш ва уч йилда мева экспортини камида 500 млн долларга етказиш.

Сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда 860 мегаваттли янги энергетика қувватлари ишга туширилди. Беруний ва Қораўзакда шамол станциялари қурилиши ҳисобига “яшил” энергия улуши 23 фоизга етди. Электр ишлаб чиқариш 4 баравар ошиб, 5 млрд 330 млн киловатт-соатни ташкил этди, бу аҳоли ва корхоналарнинг йиллик талабидан қарийб 3 баробар кўп. Албатта, ютуқлар билан чекланилмайди. Қўнғиротда 2 млрд 600 млн долларлик, қуввати 1,5 минг мегаватт бўлган шамол станцияси қуриляпти. Лойиҳа доирасида 1,5 минг км юқори кучланишли тармоқ ва 500 киловольтли 3 та подстанция барпо этилади. Умуман, йиғилиш арафасида 7 млрд долларлик 47 та янги лойиҳа қурилишига старт берилди. 2030 йилгача жами қуввати 3 минг 300 мегаваттли шамол станциялари ишга туширилиб, “яшил” энергия улуши 76 фоизга етказилади ҳамда 400 мегаваттли энергия сақлаш қуввати яратилади.

Иқлим ўзгариши шароитида иссиқхона газларини камайтириш долзарб масала. “Яшил” энергияни “карбон кредит”га айлантириш Қорақалпоғистонга йилига камида 50-100 млн доллар даромад келтириши мумкин. Мутасаддиларга бир ой ичида ушбу механизмни йўлга қўйиш, Япония, Корея, АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Австралия каби йирик импортёр давлатлар билан музокаралар ўтказиш топширилди. Муҳими, “карбон кредит” экспортидан тушадиган маблағлар инфратузилма учун ажратилаётган маблағларга қўшимча бўлади ва ҳудуднинг ўзида қолади. Йирик хорижий компаниялар “ўрмон карбон кредити” тизими орқали экологик вазияти оғир ҳудудларда дарахт экишни молиялаштириш бўйича таклифлар билдирмоқда. Йил якунигача Оролнинг 50 минг гектарида шундай дастур бошланади. Бу – денгиз қуриши оқибатларини юмшатиш йўлидаги амалий қадамлардан биридир.

“Қўнғирот – Қораўзак – Тахиатош” йўналиши Қорақалпоғистоннинг “яшил саноат йўлаги” – интеллектуал иқтисодиёт учбурчагига айланади. Сунъий интеллект ва дата марказ лойиҳалари учун ташкил этилган махсус зонада 8 млрд долларлик 6 та лойиҳа бошланади. Мутасаддиларга 1 октябргача беш йиллик дастур ишлаб чиқиб, инвесторлар учун 1 гигаватт қувватли барқарор электр таъминотини йўлга қўйиш, уч йилда Нукус шаҳри, Қўнғирот, Қораўзак ва Тахиатошда 1,5 минг юқори даромадли иш ўрни яратиш, булутли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида йиллик экспортни 600 млн долларга етказиш вазифаси топширилди.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистонда шўр ерлар – боғларга, шамол ва қуёш – энергия ва даромадга, экологик оғир ҳудудлар – ўрмонларга, барқарор электр таъминоти эса рақамли иқтисодиётга айлантирилмоқда. Халқ вакили, мамлакатдаги етакчи сиёсий куч ҳисобланган O‘zLiDeP аъзоси сифатида ушбу муҳим вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳар бир лойиҳа натижаси қорақалпоғистонликларнинг иш ўрни, даромади ва турмуш даражасида ўз ифодасини топишига ҳиссамни қўшишни шарафли вазифам деб биламан.

ИНВЕСТИЦИЯДАН – ИШ ЎРНИГА, ИМКОНИЯТДАН – ДАРОМАДГА

Қорақалпоғистонда сўнгги йилларда иқтисодиётни ривожлантириш, инвестиция жалб этиш, саноат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш учун кенг имкониятлар яратилди.



Сағиндиқ ТУРМАНОВ,
Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи, O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси

Ҳудудда фойда, ер ва мол-мулк солиқлари икки баробар камайтирилди, саноат корхоналари учун электр энергияси тарифи 15 фоизга пасайтирилди, ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланди. Ўтган йили 1 млрд 700 млн доллар инвестиция киритилди, бу 2021 йилга нисбатан 22 карра кўп. Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт 10,2 фоиз ўсди. Энди асосий масала – бу кўрсаткичларни янги иш ўрни, янги даромад ва яхшироқ турмуш шароитига айлантириш.

Бу жараёнда маҳалланинг ўрни беқиёс. Бугун Қорақалпоғистонда 452 та маҳалла бор. Сўнгги ўн йилда 55 та янги маҳалла ташкил этилиб, 147 таси ўз биноси билан таъминланди. “Еттилик” тизими эса бандлик, ижтимоий ҳимоя, ёшлар, тадбиркорлик ва профилактика масалаларини маҳалла даражасида мувофиқлаштириш имконини берди. 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб белгиланиши бу тизим олдидаги вазифаларни янада кучайтирди.

Президент ташрифи давомида ҳар бир шаҳар ва овулда қулай шароит яратиш, аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, нуронийлар тажрибаси ва ёшлар салоҳиятидан фойдаланиш, маҳалла раҳбарларининг одамлар билан бевосита ишлашини таъминлаш вазифалари белгиланди. Шу боис маҳалла фаолиятининг асосий мезони ўтказилган йиғилишлар эмас, ҳал этилган муаммолар бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир маҳаллада ишсизлар, касб ўрганишга эҳтиёжмандлар, тадбиркорлик ташаббусига эга фуқаролар ва ўзини ўзи банд қилиш имконияти бор аҳоли ҳақида аниқ маълумот бўлиши зарур. Шундагина янги корхоналардаги иш ўринлари маҳалладаги ишсизларга, кредитлар эса аниқ тадбиркорлик лойиҳаларига боғланади.

Республикада тадбиркорлик учун молиявий имкониятлар ҳам кенгаймоқда. Банкларнинг ишончли мижозлари учун 300 млрд сўмлик кредит линияси очилиб, сармоя ставкаси 12 фоизга туширилиши белгиланди. Оилавий тадбиркорлик кредитлари 17,5 фоиздан 12 фоизга пасайтирилади. Келаси йили ресурслар икки баробар оширилиб, “драйвер” лойиҳаларга 100 млн доллар йўналтирилади ва камида 50 минг одам даромадли бўлади. Маҳалла эса бу имкониятларни аҳолига етказиш, лойиҳаларни шакллантириш ва янги иш ўринларини ишсизлар билан боғлашда амалий кўмак беради.

Қишлоқ хўжалигида ҳам маҳалла имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Ер ва сувдан самарали фойдаланиш, чорвачилик, озуқа базаси, боғдорчилик, қовунчилик ва қайта ишлашни ривожлантириш, сув тежамкор технологияларни жорий этиш даромадни оширади. Бунда ҳар бир ҳудуднинг шароити ва аҳолининг имконияти ўрганилади.

Маҳалла фақат иқтисодий масалалар билан чекланмайди. Кўча бийлари, нуронийлар ва фаол фуқароларнинг тажрибаси, ёшларнинг ташаббуси аҳоли билан ишлаш, оилаларда соғлом муҳит яратиш ва ҳудуд ободлигини таъминлашда муҳим ресурсдир. Ёшларни ахборот технологиялари, логистика каби замонавий йўналишларга ўқитиш ва даромадли меҳнатга жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ободонлаштиришни мавсумий тадбир эмас, кундалик ишга айлантириш, бунда маҳалла, масъул ташкилотлар ва аҳоли вазифаларини аниқ белгилаш зарур. Маҳаллага ажратиладиган маблағлар ҳам очиқ ва ўринли сарфланиши керак. Ички йўллар, чироқлар, пиёдалар йўлаклари, болалар майдончалари ва маҳалла биноларини таъмирлаш каби ишларга маблағ ажратилади.

Қорақалпоғистондаги имкониятлар кўлами, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, 7 млрд долларлик 47 та лойиҳани амалга оширишга старт берилганида ҳам кўринади. Аммо сармоя ҳажми эмас, унинг одамлар ҳаётига таъсири муҳим: янги корхона қанча одамни ишли қилади, кредит нечта хонадон даромадини оширади, инфратузилмага сарфланган маблағ аҳоли турмушида қандай ўзгариш қилади?

Шунда инвестиция ва имтиёзлар, маҳаллага ажратилаётган маблағлар ва аҳоли ташаббуслари қоғоздаги кўрсаткич бўлиб қолмай, янги иш ўрни, даромад манбаи, обод ҳудуд ва одамлар ҳаётидаги аниқ ўзгаришга айланади.

“ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ” – 25 ЙИЛ

Саҳро бағридаги хазина

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бундан 25 йил олдин Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги Кенгсой деб номланган саҳро кенгликларида дунёда машҳур гигант корхона барпо этилади, бу ерда минглаб одамлар меҳнат қилади, чор атроф боғу роғларга бурканади дейилса, аниққи, ҳеч ким ишонмас эди. Тасаввурга сиғмасди-да.



Мустақилликнинг илк йиллари геология қидирув ишларидан сўнг изиллаган Ғузор даштларида кенг кўламда бурғилаш, илмий-амалий кузатув, таҳлилий ишлар олиб борилди. Мазкур замин қаърида мўл-кўл углеводородли бирикмалар, жумладан, газ, нефть, газ конденсатлари мавжудлиги аниқлангач, уларни қазиб олиш ва қайта ишлашга ихтисослашган корхона қурилиши бошланди. “Шўртан” газ конлари замирида углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлашга мўлжалланган юртимиздаги биринчи корхона ҳисобланган “Шўртан газ кимё мажмуаси” 2001 йил декабрь ойида қуриб битказилди. Орадан етти ой ўтгач, биринчи “ўзбек полиэтилени” ишлаб чиқарила бошланди. 2004 йилда мажмуа маҳсулоти АҚШда “Маҳсулот сифати учун” деб номланган мукофот билан тақдирланди, шунингдек, Швейцариянинг Женева шаҳрида “Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва бизнесда ажойиб кўрсаткичлар учун” деб номланган медални қўлга киритди.

Айни пайтда бу корхонада 4,0 миллиард кубометр хомашё гази қайта ишланиб, 3,5 миллиард кубометр тозаланган табиий газ, 125 минг тоннадан ортиқ полиэтилен гранулалари тайёрланмоқда. Шу билан бирга, 110 минг тоннадан ортиқ суюлтирилган газ, 100 минг тоннадан ортиқ газ конденсати, минг тонна олтингугурт гранулалари ишлаб чиқарилаётир. Бундан ташқари мажмуа тизимидаги “Қаршитермопласт” корхонасида жаҳон андозаларига жавоб берадиган турли-туман полиэтилен қувурлар, боғловчи қисмлар, томчилатиб суғоришга мўлжалланган қурилмалар, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиладиган полиэтилен идишлар, қурилиш соҳасида эҳтиёж катта бўлган хилма-хил қоплама ашёлари тайёрланиб, маҳаллий ва хорижий истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Кейинги беш йилда корхонада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Технологик жараёнларни бошқариш ва авариядан ҳимоялаш тизимлари босқичма-босқич тўлиқ янгиланди. Марказий бошқарув пульти ҳамда ишлаб чиқариш диспетчерлик хизмати реконструкция қилиниб, сўнгги русумдаги рақамли бошқарув ва мониторинг воситалари билан жиҳозланди. Технологик қурилмалар, муҳандислик тармоқлари ва автоматлаштириш тизимларининг изчил модернизация қилиниши натижасида ишлаб чиқаришнинг ишончлилиги, саноат хавфсизлиги яхшиланди.

Энергия самарадорлигини ошириш мақсадида 2021–2024 йиллар давомида умумий қуввати 5,3 мегаватт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари ишга туширилди. 2026 йил май ойида эса қуввати 10 мегаватт бўлган замонавий BESS энергия сақлаш тизими фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 2022 йилда мажмуа тарихидаги муҳим инфратузилмавий лойиҳалардан бири – “Шўртан бош иншоотидан “Шўртан газ кимё мажмуаси” ҳамда “Uzbekistan GTL” заводигача 33 километрлик газ қувурини қуриш” лойиҳаси амалга оширилди. Натижада икки стратегик корхонанинг ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган ишончли боғловчи ҳалқа яратилди.

2023 йил корхонада молия, бухгалтерия, таъминот, омбор ва бошқа бизнес жараёнларини ягона рақамли бошқарув тизимига ўтказиш мақсадида 1C:ERP корпоратив платформаси жорий этилди. Бу эса ресурслардан самарали фойдаланиш, ҳисоб-китобларни автоматлаштириш ва бошқарув қарорларини тезкор қабул қилиш имкониятини янада кенгайтирди. Амалга оширилган бу ислоҳотлар ва фуқаро муҳофазаси соҳасида олиб борилган тизимли ишлар самараси ўлароқ, 2024 йилда мажмуа республика миқёсида “Энг илғор фуқаро муҳофазаси тузилмаси” деб эътироф этилди. Шунингдек, полимер маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида 2025 йил “Nasaf XCP Techno” қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу лойиҳа мамлакатимизда полимер саноатининг қиймат занжирини янада кенгайтиришда муҳим қадам бўлди. Бугунги кунда “Uzbekistan GTL” билан юқори ва паст босимли буғ коммуникацияларини интеграция қилиш, газ-поршенли генератор қурилмаларини ўрнатиш ҳамда энергия ресурсларидан янада самарали фойдаланишга қаратилган қатор истиқболли лойиҳалар изчил амалга оширилаётир.

Мажмуада инсон омилига бирламчи эътибор қаратилади. Корхона ишчи-хизматчилари учун барча замонавий меҳнат, спорт ва дам олиш шароитлари яратилган. Кейинги 6 йил мобайнида мажмуанинг маъмурий ва хизмат бинолари босқичма-босқич қайта таъмирланди, ишловчилар учун янги спорт иншоотлари барпо этилди. Шаҳрисабз шаҳридаги “Мед сервис” соғломлаштириш маркази тўлиқ реконструкция қилиниб, унинг ҳудудида оилавий дам олишга мўлжалланган замонавий “Турон” дам олиш маскани ташкил этилди. Жамоа аъзоларининг турмуш тарзини яхшилаш, улар учун маданий-маиший, ижтимоий шарт-шароит яратиш корхона раҳбариятининг диққат эътиборида. Мингдан ортиқ ишчи-ходимларга Ғузор, Қарши, Нишон туманлари ҳудудида жойлашган намунали уйлар ва кўп қаватли турар жойлардан хонадон олишлари учун амалий ёрдам кўрсатилди.

Эътироф этмоқ лозимки, ўтган йигирма беш йил мобайнида мажмуада дунё андозаларига мос, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш асносида юксак малакали, билимдон ва юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилди. Дунёнинг етакчи олий ўқув юртлари ва корхоналарида билим олиб, малака оширган маҳаллий кадрлар бугун мамлакатимизнинг нефть ва газ саноати корхоналарининг етук мутахассислари сифатида фаолият олиб бормоқдалар. Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда “Илғор муҳандислик мактаби” ташкил этилиб, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг мутлақо янги тизими йўлга қўйилган. Амалий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, замонавий муҳандис кадрларни тайёрлаш мақсадида “Шўртан газ кимё мажмуаси” стипендияси таъсис этилди. Меҳнат аҳлининг катта қисмини билимдон, ташаббускор ва меҳнатсевар йигит-қизлар ташкил этади. Улар ўз иқтидорини намоён этишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Эътибор ва ғамхўрликдан мамнун ёшлар республика миқёсидаги интеллектуал танловлар, спорт мусобақалари, инновацион стартаплар ва турли соҳавий беллашувларда мунтазам ғолибликни қўлга киритиб, мажмуа шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар.

Мажмуанинг моддий қўллаб-қувватлаши ва кўмагида “Геолог” ва “Қашқадарё соҳили” соғломлаштириш ва дам олиш масканлари, вилоят кардиология ва эндокринология марказлари, юқумли касалликлар шифохонаси, Тошкент давлат техника университетидаги янги лаборатория, пойтахтдаги “Иммунология ва инсон геномикаси” институтининг биноси, “Бунёдкор” ўйингоҳи қурилди, ўнлаб мавжуд эски объектлар замонавий қиёфага келтирилиб, мукаммал таъмирланди. “Яккабоғ воҳатекс” ип йигирув фабрикаси ҳамда “Қорабайир отчилик мажмуаси” барпо этилди.

Мажмуада меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар саъй-ҳаракати билан ҳашар асосида Ғузор, Нишон, Шаҳрисабз, Китоб, Қамаши, Деҳқонобод ва Қарши туманларида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар учун 50 дан ортиқ уй-жой барпо этилди. Минглаб кам таъминланган оилаларнинг эскирган уйлари сифатли таъмирланиб, яшаш шароитлари яхшиланишига кўмаклашилди.

Воҳа спортини ривожлантириш борасида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Ўтган даврда спорт мухлисларининг севимли жамоаларидан бирига айланган “Насаф” ҳамда “Севинч” футбол клубларининг ҳомийси сифатида эришилган ютуқларга муносиб ҳисса қўшилди. Мажмуа ҳомийлигида ташкил этилган “Севинч” аёллар



профессионал футбол клуби Ўзбекистон аёллар футболида ҳақиқий афсонага айланди. Жамоа 17 карра мамлакат чемпиони, 4 карра вице-чемпион, мамлакат кубогининг 15 карра, 2 карра бронза медали ҳамда мамлакат суперкубогини 6 марта соҳиби бўлди. Халқаро мусобақаларда ҳам муносиб иштирок этиб, нуфузли совринларга сазовор бўлди. “Насаф” футбол жамоаси эса Ўзбекистон чемпионатининг олий лигасида 8 карра бронза ва 4 карра кумуш медалларни қўлга киритди. Шунингдек, 4 марта мамлакат ва суперкубок соҳиби бўлиб, мамлакат футболидаги етакчи жамоалардан бири сифатида ўз мавқеини янада мустаҳкамлади. 2011 йилда Осиё футбол конфедерацияси кубогини боши узра баланд кўтариб, 2024 йилда эса Ўзбекистон суперлигаси чемпиони бўлди.

– Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида корхонамизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, энергия самарадорлигини ошириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва янги инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида улкан ишлар қилинди, – дейди **“Шўртангазкимё” мажмуаси Бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шуҳрат Асланов.** *– Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги янада ортиб, корхонамизнинг бозордаги рақобатбардошлиги янги босқичга кўтарилди. Эришилган ютуқлар замирида, аввало, корхона тараққиётининг ҳар бир босқичида ўз билим ва тажрибаси, матонати ҳамда садоқати билан муносиб ҳисса қўшган кўп йиллик тажрибага эга устозларимиз ва бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида сидқидилдан меҳнат қилаётган фидойи ва жонкуяр ходимларимизнинг заҳматли меҳнати мужассам. 25 йиллик тарих нафақат босиб ўтилган йўл, балки келажак сари дадил ташланган ишончли қадамлар рамзидир. Корхонамиз ишга тушган кундан эътиборан илғор технологияларни жорий этиш, табиий газни чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали юртимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдамиз. Айни пайтда мажмуамиз замонавий ишлаб чиқариш қувватлари, халқаро стандартларга мос маҳсулоти, инновацион ёндашувлар ҳамда профессионал жамоаси билан юртимиз саноатининг фахрига айланган.*

Олдимизда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш, экологик маданиятни кучайтириш, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш орқали мамлакатимиз саноати ривожлантиришдек масъулиятли вазифалар турибди. Ишончим комилки, ташаббускор ва аҳил жамоамиз бундан буён ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб, корхонамиз шонли тарихини янги ютуқлар билан бойитишда давом этади. Чорак аср yнчалик ҳам катта давр бўлмаса-да, биз учун улкан бунёдкорлик, машаққатли меҳнат, юксак масъулият ва салмоқли натижаларни ўзида мужассам этган шарафли йўлдир. Мустақил Ўзбекистон саноатининг энг йирик ва стратегик лойиҳаларидан бири сифатида бунёд этилган мажмуамиз бугунги кунга келиб нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақадаги замонавий нефть-газ саноатининг етакчи корхоналаридан саналади.

Яқинда “Шўртан газ кимё мажмуаси”га қарашли Ишчилар шаҳарчасида ушбу гигант корхонанинг 25 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди. Унда “Ўзбекнефтгаз” АЖ Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Суҳроб Ҳамроев, вилоят ҳокими Муроджон Азимов ва бошқалар сўзга чиқиб, мажмуанинг мамлакат иқтисодий тараққиётидаги ўрни, газ-кимё саноатини ривожлантиришдаги ҳиссаси, жамоанинг кўп йиллик самарали меҳнатини алоҳида эътироф этдилар. “Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ Бош директори Шуҳрат Аслановга Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг ташаккурномаси топширилди. Мажмуада эришилган ютуқларга муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ ходимлар Энергетика вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари, пул мукофотлари билан тақдирландилар. Тадбир давомида бир гуруҳ ишчи-ходимларга санаторийларга йўлланмалар туҳфа этилди. ШГКМ бош директорининг биринчи ўринбосари, бош муҳандис Шокир Эшмуродов ва полиэтилен цехи оператори Ғанишер Дўллиевларга Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг “Эҳтиром” кўкрак нишони топширилди. Чорак асрлик тарих давомида корхонанинг шаклланиши ва ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган, катта меҳнат тажрибасига эга бўлган 50 нафар фахрийга касаба уюшмаси томонидан Самарқанд шаҳрига саёҳат сертификатлари топширилди.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда Янги Ўзбекистон саноатининг таянч корхоналаридан бири, инновациялар, илғор технологиялар ва инсон капитали уйғунлашган замонавий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси эришаётган улкан ютуқлар замирида аниқ стратегия, юқори масъулият, ташаббускорлик мужассам. Энг муҳими, миллий саноатимиз тараққиётида муносиб ўрин эгаллаган мажмуада кўп йиллар давомида шаклланган устоз-шогирд анъанаси бугунги кунда ҳам давом этиб, тажриба ва билимларнинг янги авлодга изчил етиб бориши таъминланмоқда. Ўтган йигирма беш йил давомида тўпланган бой тажриба эришилаётган янги-янги ютуқлар учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаяпти.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири



● ҲУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР ●



ТАШАББУСКОР АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Бир пайтлар оддий хобби сифатида бошланган машғулот бугун ўнлаб инсонларни бирлаштирган тадбиркорликка айланди. Декоратив гулчилик билан шуғулланиб келаётган сирдарёлик тадбиркор аёл бу муваффақият билан чекланиб қолмоқчи эмас.

O‘zLiDeP Сирдарё вилояти ва Ширин шаҳар кенгаши ташаббуси билан “Ишбилармон аёл – 2026” кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди. Унда тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар ўз бизнес лойиҳалари, қўл меҳнати намуналари ва фаолияти натижаларини намойиш этди.

Танловда 8 нафар иштирокчи беллашди. Якуний натижаларга кўра, “Ватанпарвар” МФЙдан Гулшода Юсупова 1-ўринни, “Бунёдкор” МФЙдан Шаҳноза Яҳёева 2-ўринни, “Дўстлик” МФЙдан Нодира Мухторова 3-ўринни эгаллади.

Танлов ғолиби Гулшода Юсупова уч йилдан буён декоратив гулчилик билан шуғулланиб келмоқда. Айни пайтда у 10 нафар аёлни доимий иш билан таъминлаган. Шунингдек, “Устоз-шогирд” анъанаси асосида 20 нафардан зиёд қизга касб сирларини ўргатмоқда.

– Декоратив гулчиликни кичик фаолиятдан бошлаганман. Бугун эса ўз маҳсулотларимизни ички бозор, меҳмонхоналар, офислар ва таълим муассасаларига етказиб беряпмиз. Мен учун тадбиркорликнинг қадри нафақат ўз даромадингни ошириш, балки бошқаларга ҳам иш ва касб ўрганиш имкониятини яратишда. Ҳар бир аёл ўз имкониятига ишонса, мақсади сари дадил қадам ташлай олади. Келгусида иш ўринлари сонини 50 тага етказиш, маҳсулотларимизни қўшни давлатларга экспорт қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни режалаштирганман, – дейди Гулшода Юсупова.

Бугун Ширин шаҳрида тадбиркорлик қилаётган хотин-қизлар оила даромадига ҳисса қўшиш билан бирга, янги иш ўринлари яратмоқда, ёш қизларга касб ўргатмоқда. Г. Юсупованинг фаолияти ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Танлов якунида ғолиблар ва иштирокчилар O‘zLiDePнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Тадбир доирасида жами 24 нафар хотин-қиз қамраб олинди.

O‘zLiDeP Сирдарё вилоят матбуот хизмати

САЛОМАТЛИККА НЕ ЕТСИН...

Ангрен шаҳрида партиянинг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида “Саломатлик сари” акцияси ўтказилди. Унда дам олувчилар ва санаторий ходимлари фаол иштирок этди. Қарийб 40 нафар иштирокчи эстафета баҳсларида чаққонлик, тезкорлик ва жамоавий ҳамжиҳатликни намоён этди.



Сўлим тоғлар бағрида жойлашган “Янгиобод” санаторийсидаги тадбир Ангрен шаҳар кенгаши депутати, санаторий директори Дилноза Бегматованинг ташаббуси билан ташкил этилди. Унда сиҳатгоҳда дам олаётган фуқаролар, муассаса ходимлари ҳамда бошланғич партия ташкилоти фаоллари иштирок этди.

Тадбир аввалида Дилноза Бегматова инсон саломатлигини асраш ва мустаҳкамлашда жисмоний фаолликнинг ўрни муҳим эканини таъкидлади. Айниқса, спортни кундалик ҳаёт тарзига сингдириш, аҳоли, хусусан, ёшларни ҳаракатчан ва фаол бўлишга ундаш зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, O‘zLiDeP Ангрен шаҳар кенгаши аппарати раҳбари Муқаддам Норбоева ҳам тадбир иштирокчиларини қутлаб, спорт баҳсларида барчага омад тилади.

Беллашувлар оммавий югуриш билан бошланди. Кейин эса қарийб 40 нафар иштирокчи олтита жамоага бўлиниб, эстафета баҳсига киришди. Жамоаларга партия аъзоси бўлган санаторий ходимлари сардорлик қилди.

Мусобақа якунида ғолиблар эсдалик совғалари ҳамда дам олиш масканига сертификатлар билан тақдирланди. Тадбирнинг расмий қисми куй-қўшиқ ва рақслар билан давом этиб, байрамона муҳитга янада файз бағишлади.

O‘zLiDeP Тошкент вилоят матбуот хизмати

ИМКОНИЯТ МАЙДОНИ

ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИНГ СОНИ ЭМАС, СИФАТИ МУҲИМ

Бугун ҳудуд иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, замонавий технологияларни жалб этиш ва аҳоли даромадларини оширишда хорижий инвестицияларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Айниқса, инвестицияларни фақат маблағ сифатида эмас, балки янги технология, замонавий бошқарув тажрибаси, экспорт бозорлари ва юқори малакали иш ўринларини олиб кирувчи муҳим омил сифатида баҳолаш зарур.

Мен депутат сифатида ҳудудда инвестиция лойиҳаларини баҳолашда, аввало, уларнинг аҳоли ҳаётига қандай таъсир кўрсатишига эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман. Чунки ҳар қандай инвестиция лойиҳасининг энг муҳим ижтимоий натижаларидан бири – янги ва барқарор иш ўринларидир. Масалан, Ҳазорасп туманида “Hazorasp Diamond” МЧЖнинг янги ишлаб чиқариш қуввати ташкил этилиб, 200 та янги иш ўрни ташкил этилди. Корхонанинг кейинги босқичида иш ўринларини янада кўпайтириш режалаштирилган. Бу каби лойиҳаларнинг аҳамияти шундаки, улар нафақат ишсиз фуқароларни иш билан таъминлайди, балки маҳалладаги иқтисодий фаолликни ҳам оширади. Айниқса, хотин-қизлар, ёшлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларини меҳнат бозорига жалб қилиш учун янги имкониятлар пайдо бўлади. Чет эл сармоясини жалб этишда яна бир муҳим жиҳат – иқтисодиётнинг бир ёки икки йўналишга боғланиб қолишининг олдини олишдир. Бугун Хоразмда қурилиш материаллари, машинасозлик, кимё саноати, фармацевтика, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, туризм, “яшил” энергетика ва бошқа соҳаларда янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Қўшкўпир туманида литий-ион батареялари ишлаб чиқариш, Хива туманида автомобиллар учун штампланган деталлар тайёрлаш, қурилиш техникаси ишлаб чиқариш, инфузион эритмалар тайёрлаш, замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш каби йўналишларда янги қувватлар шаклланмоқда.

Бу жараённи ҳудуд иқтисодиётининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганининг муҳим белгиси сифатида баҳолаш лозим. Чунки замонавий корхоналар кўпайган сари меҳнат бозорида ҳам янги талаблар пайдо бўлади. Энди фақат оддий ишчи кучи эмас, балки техник мутахассис, муҳандис, технолог, дизайнер, логист, маркетолог ва IT соҳаси вакилларига ҳам эҳтиёж ортади. Демак, инвестиция таълим ва касб-ҳунар тайёргарлиги билан узвий боғланиши керак.

Яна бир эътиборли жиҳати, ҳудудга инвестиция кириб келиши импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини ҳам кенгайтиради. Янги корхона маҳаллий хомашёдан фойдаланса, маҳаллий тадбиркорлардан товар ва хизматлар харид қилса, маҳаллий мутахассисларни иш билан таъминласа ва ўз маҳсулотини экспортга чиқарса, унинг иқтисодий таъсири бир неча баробар ортади.

Шунинг учун халқ вакили сифатида инвестиция лойиҳаларини муҳокама қилишда нафақат сармоя ҳажми, балки унинг маҳаллийлаштириш даражаси, яратилган иш ўринларининг сифати, экспорт салоҳияти ва маҳаллий бизнес билан кооперациясига ҳам эътибор қаратиш муҳим, деб биламан. Чунки ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши табиий равишда янги бозорларга чиқиш масаласини кун тартибига олиб чиқади.

Хоразмда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни халқаро талабларга мослаштириш, сертификатлаштириш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, “Arton Urganch Invest” МЧЖда автоклав усулида газобетон маҳсулотлари, “Imzo-Glass Kharezm” МЧЖда тобланган ойна ва дераза ромлари ишлаб чиқариш жараёнлари ўрганилиб, маҳсулотларнинг техник талабларга мувофиқлиги ва экспорт имкониятлари муҳокама қилинган. Негаки, экспортнинг кўпайиши ҳудуд иқтисодиёти учун икки томонлама аҳамиятга эга. Бир томондан, корхона валюта тушумини кўпайтирса, иккинчи томондан, ишлаб чиқарувчиларни маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишга ундайди. Шу боис келгусида янги инвестицияларни жалб қилиш билан бир қаторда, мавжуд корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, халқаро стандартларни жорий этиш ва янги бозорларга чиқишини қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим вазифа бўлиб қолади.

Инвестициянинг яна бир муҳим жиҳати, замонавий технологияларнинг кириб келишидир. Хорижий ҳамкорлар иштирокидаги лойиҳалар орқали ишлаб чиқаришнинг илғор усуллари, энергия тежамкор технологиялар, замонавий бошқарув механизмлари ва маҳсулот сифатини назорат қилиш тизимлари ўзлаштирилади. Масалан, Урганч туманида кореялик инвесторлар иштирокида чиқиндиларни ёпиқ цикл асосида қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган. Бу лойиҳа Ўзбекистондаги шу йўналишдаги илк ташаббуслардан бири сифатида қайд этилган. Бундай лойиҳаларнинг аҳамияти фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан чекланмайди. Улар экологик барқарорлик, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш учун ҳам замин яратади.

Сўнгги йилларда Хоразмда инвестиция ва янги ишлаб чиқариш қувватларининг кўпайиши билан бир қаторда аҳоли даромадлари, бандлик ва тадбиркорлик имкониятларида ҳам ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу жараённи давом эттириш учун инвестицияларни ҳудудлар кесимида мутаносиб тақсимлаш, айниқса, меҳнат ресурслари кўп бўлган туманларга янги ишлаб чиқариш қувватларини жалб қилиш муҳим. Шу нуқтаи назардан Боғот, Гурлан ва Қўшкўпир каби туманларда саноат зоналаридан самарали фойдаланиш, янги лойиҳаларни жойлаштириш ва инфратузилмани яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳамиятлидир.

Назаримда, бугун депутатлар олдида турган муҳим вазифалардан бири, фақат инвестиция лойиҳалари ҳақида маълумот бериш билан чекланмаслиги керак. Аксинча, белгиланган лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ўрганиш, инвестор ва тадбиркорларни қийнаётган масалаларни аниқлаш, уларни ҳал этиш бўйича тегишли мутасаддиларга таклифлар киритишдан иборат. Чунки инвестор учун электр энергияси, газ, сув, йўл ва логистика инфратузилмаси қанчалик муҳим бўлса, малакали кадрлар, ер майдони, сертификатлаштириш ва маҳсулотни сотиш бозори ҳам шунчалик муҳимдир.

Шу боис депутатлик назорати доирасида инвестиция лойиҳаларининг



Алибек ИШЧАНОВ,
Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши депутати

қоғоздаги кўрсаткичларидан кўра, уларнинг амалдаги натижалари, яъни ишга туширилган қувват, яратилган иш ўрни, ишлаб чиқарилган маҳсулот, экспорт ҳажми, бюджетга тушум ва аҳоли даромадларига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, ҳозирда хоразмлик тадбиркорлар олдида турган асосий вазифалардан бири, фақатгина инвестиция ҳажмини оширишнинг ўзи етарли эмас, балки ҳар бир инвестицияни янги қиймат, янги иш ўрни, янги технология ва аҳоли учун янги имкониятга айлантириш. Вилоятга жалб этилаётган йирик инвестициялар, янги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш қувватлари ҳудуд иқтисодиётининг таркибий ўзгаришига хизмат қилмоқда. Жорий йилда хорижий ҳамкорлар иштирокида амалга оширилиши режалаштирилган йирик лойиҳалар географияси ва йўналишларининг кенгайиб бораётгани эса воҳанинг инвестициявий салоҳияти ошиб бораётганини кўрсатади.

Олдимизда турган муҳим вазифа – ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш, сармоялар учун қулай муҳитни янада мустаҳкамлаш, маҳаллий тадбиркорларни янги лойиҳаларга кенг жалб қилиш, ёшларни замонавий касбларга тайёрлаш ва ҳар бир янги корхонанинг ҳудуд тараққиётига муносиб ҳисса қўшишини таъминлашдан иборат. Зеро, инвестициянинг ҳақиқий қиймати унинг қанча маблағ эканида эмас, балки қанча янги имконият яратгани, қанча инсоннинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатгани ва ҳудуд келажагига қандай иқтисодий пойдевор бўлиб хизмат қилаётганида намоён бўлади.

МУЛОҚОТ

Чироқчидаги сайёр қабул нима берди?



O‘zLiDePнинг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида навбатдаги сайёр қабул ташкил этилди.

Партиядан сайланган депутатлар, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган юзма-юз мулоқотда 112 нафар фуқаро 70 га яқин масала юзасидан мурожаат қилган бўлса, улардан 55 таси жойида ижобий ҳал этилди. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож 5 нафар фуқарога жами 10 млн сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, кам таъминланган 3 та оила фарзандларига партия стипендияси, яна шунча оилага уй томини ёпиш учун 30 донадан шифер ажратилди. Қолаверса, 2 та оиланинг уйи таъмирланиб, 6 нафар ёшлар ишга жойлаштирилди. 11 нафар йигит-қизга эса ўзини-ўзи банд қилиши учун тикув машинаси, пайвандлаш ускунаси, электр ўчоқ, дарахтларни дорилаш ва ўт ўриш қурилмалари, 2 та оилага 25 донадан парранда олиб берилди.

Саломатлигини тиклаш учун тиббий ускуна олишда кўмак сўраган 22 нафар кекса ва беморларга ногиронлик аравачаси, эшитиш мосламаси, дори-дармон ва санаторияларга йўлланмалар тақдим этилди. Ўз тадбиркорлигини йўлга қўймоқчи бўлган 4 нафар ёшга банклардан ссуда ва имтиёзли кредит расмийлаштиришда кўмаклашилди. Қирғиз қишлоғида яшовчи, моддий таъминотга муҳтож Табассум Жўраеванинг уйи таъмирланди.

Мулоқотда тадбиркор ва фермерлар маҳаллий ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида ўз таклифларини билдирдилар. Сув танқислиги боис томчилатиб суғориш асосида иссиқхона хўжалиги ва боғлар ташкил этиш, лалмикор экинлар экиш, гиламчилик, ёғоч ўймакорлигини ривожлантириш асносида аҳоли бандлигини таъминлашга эътибор қаратилди.

“Халқ билан бирга” дастури доирасидаги сайёр қабулларда аҳолини қийнаб келаётган айрим муаммоларга тезкорлик билан ечим топишга ҳаракат қилдик, – дейди O‘zLiDeP Чироқчи туман кенгаши раиси Момосулув Бердиқулова. – Табиийки, ҳали биргина қабул билан мавжуд муаммоларни бартараф этиш мушкул, албатта. Бандлик, йўл, электр ва газ таъминотини яхшилаш борасидаги мурожаатларни тез кунларда ижобий ҳал этишни мутасаддиларга ҳавола этдик. Ижросини таъминлашни назорат қилиш эса депутатларимиз зиммасига юкланди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

O‘zLiDeP Сайловолди ҳамда “Халқ билан бирга” умуммиллий дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, хусусан, аҳоли муаммоларини бевосита ўрганиш, уларни ҳал этишда депутатлик назорати ва жамоатчилик иштирокини кучайтириш, ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни самарали ташкил этиш борасида O‘zLiDeP Навоий вилоят кенгаши томонидан қатор хайрли ишлар бажариляпти.

Депутат томошабин бўлолмайди

Яқинда танқидий-таҳлилий руҳда ўтган мулоқотда маҳаллий кенгашларда фаолият олиб бораётган 80 нафар партия депутатлик гуруҳлари аъзоларининг фаолияти атрофлича кўриб чиқилди. Уларнинг аҳоли билан учрашувлари, сайловчилар билан ишлаш даражаси, депутатлик сўровларидан фойдаланиши ва натижалари, мурожаатларга муносабати ҳамда ҳудуддаги муаммоларни ҳал этишдаги иштироки таҳлил қилинди.

Тадбирда халқ сайлаган вакиллар фаолиятини тизимли равишда баҳолаш, мавжуд ҳолатни аниқ кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш ва натижадорликни ошириш мақсадида депутатлар шартли равишда “яшил”, “сариқ” ва “қизил” тоифаларга ажратилгани маълум қилинди. Якунларга кўра, вилоят бўйича 33 нафар депутат “яшил” тоифадан жой олди. Бу уларнинг фаолиятида муайян натижалар мавжудлигини кўрсатади. 17 нафари “сариқ” тоифага киритилди. Ушбу тоифага киритилган ноиблар фаолиятида интилиш мавжуд, бироқ тизимлилик ва изчилликни янада кучайтириш зарур. Қолган 18 нафар депутат “қизил” тоифа олди. Ушбу кўрсаткич фаолиятдан самарали фойдаланиш ва амалий натижага эришишда депутатлик фаолиятини тизимли ташкил этиш, ҳудудда ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ечимини топишда ташаббускорлик кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади.



Очиқ мулоқотда фаолиятга баҳо беришда ёндашувларни янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, эндиликда эришилган амалий натижаларда муҳим мезон бўлиши кераклиги таъкидланди. Хусусан, аҳолини камбағалликдан чиқариш ва уларнинг бандлигини таъминлаш ҳар бир халқ вакилининг муҳим йўналишига айланиши лозим. Бунда, айниқса, “хонадонбай” ишлаш тамойилига алоҳида урғу берилди. Яъни эҳтиёжманд ва ишсиз оилаларни фақат рўйхатга олиш билан чекланмасдан, хонадонларга кириб, муаммосини ўрганиши, имкониятларини аниқлаши, касби ёки қизиқишига мос даромад манбасини топиши ҳамда бандлиги таъминлангунига қадар тинмаслиги лозим. Шунда депутатнинг халқ билан ишлаши қоғоздаги ҳисобот эмас, балки инсон ҳаётида акс этадиган амалий натижага айланади.

Эътиборли жиҳати, учрашувда ҳар бир депутат олдига қатъий вазифа қўйилди: масалан, йил якунида ҳар бир депутат фаолиятига баҳо беришда, аввало, ўз сайлов округида қанча оила камбағалликдан чиқарилгани, қанча ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминлангани, қанча оила тадбиркорликка жалб этилгани ҳисобга олинади. Бу ёндашув “мурожаат – назорат – натижа” тамойилини кучайтиради.

Шунингдек, йиғилишда депутатлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан “қизил” тоифага кирган депутатларни “яшил”даги депутатларга бириктириш ва улар ўртасида тажриба алмашиш амалиётини йўлга қўйиш таклифи илгари сурилди.

Умуман, очиқ мулоқот депутатлик фаолиятини қайта кўриб чиқиш, мавжуд камчиликларни очиқ муҳокама қилиш ва келгусидаги ишларни аниқ натижалар асосида ташкил этиш учун муҳим мулоқот майдони бўлди.

Адизбек УЗОҚОВ,
O‘zLiDeP Навоий вилоят кенгаши бўлим мудири

ASR XXI
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

“САЛОМ” ва “ХАЙР”лар ўртасидамиз

Норқобил ЖАЛИЛ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Бошланиши 1-саҳифада.

УМР ЎТАР, ВАҚТ ЎТАР...

Бу афсонавий ўлкага уч марта саёҳат қилдим: 2006 йилнинг айни кузида, 2020 йил эса... Эслаяпсизми, бутун дунё аҳлини “ковид” деган бало таҳликага солиб ётган маҳал туризм соҳасида рекорд натижа қайд этаётган Туркия ҳукумати ташаббуси билан бир гуруҳ журналистлар сафида ҳамда шу йилнинг 3-10 август кунлари – душанбадан душанбагача пойтахтимиздаги бир турфирма шафелигида энг кўҳна ва гўзал олтита шаҳри (Измир, Бурса, Истанбул, Каппадокия, Кўнё ва Помуққалъа)ни кўриш насиб этди.

Ана энди ушбу рақамларга бир эътибор беринг: Тошкентдан Бодрумга ва Бодрумдан Тошкентгача самолётда жами 11 соату 30 дақиқа учибмиз *(3600+3600=7200 километр).* Икки қўналғада икки соат аввал бориб рўйхатдан ўтиш ва кутишлар учун кетган тўққиз-ўн соатларни бу ҳисобга қўшмадим.

Автобусда кичик гуруҳ эмас, 45 киши бир ҳафта ичида салкам 35 соат (2349 км) масофани босиб ўтдик. Тағин денг, бошқаларни билмадим, лекин менинг ўзим қарийб 45 чақирим пиёда юрибман!

Шундоғам умримиз ўлчовли бўлса, зарил кептими буларга шунча вақт, куч-қувватини сарфлаб, дейдиганлар билиб қўйсинлар, қурбингиз *(ҳам руҳий, ҳам моддий)* етса, саломатлик кўтарса, қаерга, қачон бўлишидан қатъи назар, айланинг, дунё кезинг. Ҳар қандай сайру саёҳатнинг хосияти, сир-синоати беқиёслигини, мана, мендан сўрайверинг!

АЙТГАНЧА: биз учган учоқ Бодрумга эмас, аксинча,Туркиянинг жануби-ғарбида жойлашган Милас ҳамда Бодрум шаҳарлари орасидаги ҳудудга хизмат кўрсатувчи халқаро аэропортга қўнди. Бу жой Муғла вилоятида, Бодрумдан 36 километр шимоли-шарқда ва Миласдан 16 километр жанубда жойлашган экан...

АМИР ТЕМУР ИЗЛАРИ БОР

Аэропортда бизларни Юсуф деган гид-ҳамроҳ кутиб олди ва саёҳатчилар учун ажратилган автобусга чорлади. Йўлга чиққанимиз заҳоти микрофонда сафар манзиллари ҳақида маълумот бера бошлади. Дастлаб, гарчи кириб ўтмасак-да, номи учиб бориш ва қайтиш самолёти рўйхатида зикр қилинган Бодрум шаҳри ҳақида ҳам қисқача тўхталди. Эгей денгизининг марваридди ҳисобланган бу шаҳар аҳолиси 207 минг бўлса, дам олиш мавсуми пайти 500-600 мингдан ошар экан. Қадим замонларда Бодрум ўрнида Кария пойтахти – бой Галикарнас шаҳри жойлашган. Дунёнинг етти мўъжизасидан бири саналган Галикарнас мақбараси ҳам худди шу ерда. Тарихий манбаларда ёзилишича, 1402 йили Соҳибқирон Амир Темур Измир кўрфазининг тубида жойлашган шу номдаги энг катта қалъани оғир жанглардан сўнг қўлга киритган экан...

235 чақиримлик йўл ортда қолди. Уч ярим соатда Измир шаҳрига етиб бордик. Албатта, йўл-йўлакай бир нафас тўхтаб, тўрт тарафи тоғлар ва ўрмонлар билан ўралган кўл, оролчалар, табиат манзараларини ҳайрат ила томоша қилдик. Ҳамма ёқ зайтунзор билан тўла, туркиялик мутахассисларнинг тахминича, бугунги кунда бир миллиардга яқин зайтун дарахти бор экан.

Измир аҳоли нуфуси бўйича Туркия Республикасида Истанбул ва Анқарадан кейин учинчи ўринда турадиган йирик шаҳар *(4,5-5 млн)* ҳисобланади. Эътиборлиси, анъанавий равишда энг либерал турк шаҳарларидан бири ҳам.



Дарвоқе, бу шаҳар ўтмиши ҳақида сўз кетар экан, Амир Темурнинг бевосита “Измир юриши” ёдга тушаверади. Яна ўша маълуму машҳур Анқара яқинидаги Чубук водийсида кечган муҳорабада Усмонийлар султони Боязид Йилдирим мағлуб этилгач, жаҳонгир бобомиз ғарбга томон ҳаракатни давом эттиради ва насроний родос рицарлари тасарруфида бўлган, усмонли турклар йигирма йил қамал қилиб қўлга киритолмаган, мудофааси мустаҳкам энг асосий порт шаҳар – Измир *(қадимий номи Смирна)* қалъасини 1402 йил декабрь ойида икки ҳафта ичида эгаллайди. Ҳозирги кунгача дунёнинг манаман деган тарихчи-экспертлари Амир Темурнинг ана шу урушда кўрсатган юксак ҳарбий-муҳандислик маҳоратига тан беради.

...Измирда кечган бир тунимиз бир умрга татигулик бўлди. Эгей денгизи қирғоғида, Измир қўлтиғи атрофида жойлашган ва Ўрта денгиз ҳавзасига киргувчи бу баҳаво шаҳарнинг таърифига сўз йўқ.

Измир вилоят ҳукумат кенгаши олдидаги майдон тўла одамларни кўриб, ҳамроҳларимиздан бири ҳазиломуз оҳангда: “Вой, буларда шундай нуфузли идора нега панжаралар билан тўсилмаган экан-а?” деб қўйди...

Сафаримиз давом этаркан, олдинда дунё харитасида нодир тарихий ёдгорликлари билан машҳур бўлган Бурса саёҳати кутиб турарди бизни. Яна 345 километрлик масофани мардона босиб ўтиш лозим. Орамизда энг ёш саёҳатчи Акбар *(“Ҳуррият” газетаси бош муҳаррири Абдурасул Жумақулнинг невараси)* автобусга чиқаётиб, уф тортиб юборди ва “Бобожон, қачон денгизда чўмиламиз?” деб хархаша қилди. Бобосиям анойи эмас, кулимсираб: “Бўтам, биз-ку самолётда келдик бу ёқларга, Темур бобомиз эса от суриб келган”, деган эди, болакай қўл силтаганча: “Эртак тўқимаяпсизми, ростданми, йўғ-е”, деганча денгиз бўйида балиқ тутаётганлар ёнига югуриб кетди...

Буни қарангки, бир кун бурун Эгей денгизи бўйларида тўлқинлар тўш урган соҳилларга термилиб чағалайларни кузатиб ўтирган эдик. Туркияда иккинчи йирик порт шаҳри Измирга кириб-чиқиб кетаётган неча ўнлаб баҳайбат юк кемаларини санаб улгуролмадик ҳатто. Бугун эса эса Мармар денгизи соҳилига яқин ҳудудда жойлашган уч миллиондан ортиқ аҳоли яшаётган кўҳна Бурсани кезиб юрибмиз.

Ўша замонларда Кичик Осиёнинг марказий шаҳарларидан бири, усмонлиларнинг собиқ пойтахти мақомига эга қадим Бурсага гарчи Амир Темурнинг муборак қадами тегмаган бўлса-да, лекин Анқара муҳорабасидан кейин лашкарбошилари ва суюкли валиаҳд набираси Муҳаммад Султон Мирзо *(1375-1403)* бошчилигидаги қўшинни ушбу шаҳарни эгаллаш учун юборгани Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида қайд этилган.

Бугунги кунда “султонлар шаҳри” номини олган Бурса чин маънода ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприк вазифасини ўтаётир. Ўрта асрларда Буюк ипак йўлининг сўнгги бекати бўлган Бурсада ҳозир кўплаб



турк султонларининг қабри ва 23 та музей бор. Бурса бежиз Халқаро туркий маданият ташкилоти – TURKSOY доимий кенгашининг қарорига кўра, 2022 йили “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” дея эълон қилинмаганини бу манзилга бир келсангиз англаб етасиз.

...Бурса зиёратидан кўнгиллар тўлиб, Истанбул томон йўлга чиқаётганимизда асли касби геолог бўлган ва бугун кексалик гаштини суриб, дунё кезиб юрган пойтахтлик Қобилжон ака ёзғиради: *“Кузатдингизми анави тўтиқуш йўлчи-гидни, нуқул ёдлаб олган маълумотларни айтишдан чарчамади. Мана шу икки шаҳар тарихи ҳақида шунча гапирди-ю, лекин Амир Темур бобомизнинг зафарли юришларини бир оғиз ҳам эслямади-я! Ё билмайди деб ўйлайсизми? Жуда яхши билади, фақат эътироф этгиси келмайди-да...”*

“ҚАНИЙДИ ЎЗБЕКИСТОННИ БИР КЎРСАМ”

Саёҳат қоғозига қарайман: “Бурса шаҳри учун зиёрат вақти ярим кун”. Оббо, қандай улгурамиз энди? Бутун ўй-хаёлим шаҳар харитасида. Кичкина ҳудуд эмас-да. Уч ярим миллиондан кўпроқ аҳоли яшайди. Анави йўл кузатувчимиз бўлса ҳаммамизни шошилтиради. “Қардошларим, барибир улгуролмайсизлар ҳамма ёқни кўришга, Бурса кабобини емабсиз, дунёга келмабсиз, кечикмайлик. Бизларни ҳашаматли ресторанда кутишяпти ахир”. Беш қўл баробар эмас, дилдош шерикларимни *(“Маҳалла” газетаси бош муҳаррири Бахтиёр Абдусатторов ҳам оила аъзолари билан бирга борган)* “йўлдан ураман”: овқат зарилмас, зиёрат қилайлик, туркий жаҳонгир боболаримиз руҳини шод этмоқ фурсати яна қачон насиб этади, у ёғини Худо билади!

Шаҳарнинг Тўпхона боғида Усмонийлар империясининг асосчиси Усмон Ғозий *(1258–1326)* ва Султон Орхон Ғозий *(1281–1362)* мақбаралари, тарихий ёдгорликлар, эски тўплар бор. Бурсанинг энг баланд жойида суратга тушаётсак, бир аёл ёнимизга келиб, соф ўзбек тилида сўраша кетди: *“Ўзбекистонданмисиз, Тошкентнинг ўзида турасизми? Мен месхети-туркларданман. Асли Ўрта Чирчиқда туғилганман, Ўртасаройда оиламиз билан яшаганмиз, 1990 йили Кавказга кўчиб кетган эдик. Жуда кўп сарсон-саргардон бўлдик. Қўни-қўшни, қуда-анда эдик ўзбеклар билан. Орамизда ҳеч қандай низо-жанжал бўлмаган. Кимларгадир керак бўлди бу хунрезлик. Тўполонлар бошланганида ўзбек қўшниларимиз бизларни уйларига яшириб ўтирган, кетманглар, деб йиғлаб ялинишган. Лекин душманлар қутқуси билан чиқиб кетишга мажбур бўлганмиз. Беш йилча бўлди бизларга Бурсада яшаш учун рухсат берилди. Битта опам ўзбекка турмушга чиққан эди, қариндошларимиз бор, хабарлашиб турамиз. Улар келиб кетишади, биз эса боролмаяпмиз. Ишонасизми, деярли ҳар куни фурсат топсам, мана шу майдонга болаларим, невараларим билан зиёратга келаман ва саёҳатчилар орасида ўзбекистонликларни излайман. Сизлар билан гаплашсам, юрагим бўшайди. Қанийди, ўзим кўй*



очиб кўрган тупроқни бир кўрсам, армоним қолмасди...”

Кўзлари ёшга тўлган муштипар аёлгинани нима деб юпатишни билмайман. Менинг ҳам бўғзимга нимадир тиқилади. Охири “Энди бемалол бораверинг биз томонларга. Чегаралар очиқ, ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Яхшиси, келинг, опажон, сиз билан бир суратга тушайлик, газетамизда берамиз, ўзингизни таништиринг”, десам, маъюс жилмайди-да: *“Йўғ-ей, қўйинг, одамлар нима дейди, у ёқлардаги қариндошларимдан уяламан. Илтимос, фақат бир мусофир аёл дунёнинг бир чеккасида бўлса-да, туну кун ўзбек халқини дуо қилар экан”, деб ёзсангиз бас...”* деди.

МАДАНИЯТ ҲОЖАТХОНАДАН БОШЛАНАДИ...МИ?!

Бўлмасам-чи! Кимгадир бу ўхшатишим ёқмас, энсаси қотар балки. Лекин ҳинд файласуфи Шри Морари Бапу бежиз: “Аввал ҳожатхона, кейин ибодатхона”, демаганига мана бу ҳаётий мисоллар орқали ишонч ҳосил қиласиз.

Туркияда, тасаввур қилиш мушкул, ям-яшил ўрмонлар ва тоғлар орасидан ўтган йўллар, зайтун боғлари қаерларга элтади бизни, билмаймиз. Олдинда яна минглаб чақирим манзиллар турибди. Бу ўлкада изиллаган, кўз илғамас яйдоқ чўлу биёбонлар ҳам бор, десам ишонарсиз. Энди буғдойи бўшаган майдонлар, маккажўхоризор, пахта экилган далалар, ўтлаб юрган сурув-сурув қўйлар ва... хуллас, ўзимизнинг лалмикор ерларимиздан фарқ қилмайдиган аграр ва чорва ҳудудларини томоша қилиб боряпмиз.

Узоқ йўлнинг танобини яхши суҳбатдош ё кўнгилга таскин бергувчи мусиқа тортиши мумкин. Очиғи, саёҳатга чиқар маҳалимиз шунча минг чақирим масофани автобусда босамиз деб ўйламагандик. На чора? Лекин кўникдик, чиниқдик. Йўлда ҳар хил тасодифлар рўй бериши табиий. Туркия сафарида бундай воқеаларга кўп бора гувоҳ бўлдик.

Дарвоқе, мавзу ҳожатхоналар эди-ку! Биз чиққан автобус деярли ҳар икки соатда нафас ростлаш учун тўхтайди. Ҳали юқорида айтганим, ҳайҳотдек далаю даштлар ўртасида ҳам замонавий услубда қурилган бекатлар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, дўкон ва ошхоналар туну кун ишлаб турибди. Йўловчи учун ҳамма шароитлар муҳайё қилинган. Айниқса, ҳожатхоналардаги озодалик, покизаликни кўриб ҳаваси келади одамнинг. Энг муҳими, уларнинг аксариятида **бепул хизмат** кўрсатилар экан!

БИЗДА-ЧИ?

Ўзбекистоннинг исталган ҳудудларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин: хоҳланг кунчиқар, хоҳланг кунботар тарафга йўл олинг, кўрасиз аянчли ҳолатларни *(пойтахтимизнинг айрим жойларида ҳам бу борада аҳвол талаб даражасида эмаслиги аён).* Фақат айрим овқатланиш ва ёнилғи *(бензин, метан, пропан)* шохобчаларида чала-чулпа *(гигиена талаб-қоидаларига бутунлай зид)* ишлаб турган **пулли** *(бир тийинга қиммат аслида)* ҳожатхоналарни айтмаганда, аксар катта трасса-йўллар устида... кузатилаётган шармандали манзараларни кўриб, уятдан ерга кириб кетади киши!

Бу не кўргилик, не аҳвол? Баъзан шу каби кулгили *(қайғули)* ҳодисаларни кўрганда XXI асрда яшаётганимизга ҳам шубҳа туғилади. Айб кимда, хато қаерда? Одамлардами ё жамиятдами? ОАВда бу мавзу неча ўн йилларки кўтарилади *(эсимда, 2000 йиллари Ўзбекистон телевидениесида махсус кўрсатув ҳам тайёрланган эди),* лекин акс садо йўқ, ўнгланиш йўқ, сукут сақлаяпти масъуллар. Қачонгача бу каби маиший муаммолар гирдобидан чиқолмаймиз?

Ажабланарли томони: биздан кўра кўпроқ анави катта-катта вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарлари хорижий сафарларга *(сизу бизга ўхшаб чўнтагидан эмас, аксинча, давлат бюджети ҳисобидан)* гуррос-гуррос бўлиб чиқиб келишяпти, ахир. Оддий фуқаролар кўрган-кузатган ибратли ва намунали тажрибаларни наҳот улар кўрмаётган, пайқамаётган бўлса? Балки соҳанинг эгаси тайин эмасдир, ҳамма муаммо шундадир. Масалан, Туризм қўмитасини масъул этиб белгилашга нима монелик қилади?..

Бир сафар баҳонасида шунча фикр-мулоҳаза, таклифлар ўртага ташланяпти. Демак, инсоний маданиятни узоқдан ахтариш шарт эмас. Виждон уйғонмаса қийин, аввал виждон уйғонсин!..

Тошкент–Бодрум–Измир–Бурса...

Саёҳатноманинг давоми келгуси сонда.

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP LTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ASR XXI

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Сирожиддин САЙИИД, Дилшод ШОУМАРОВ, Равшан МАМУТОВ, Нодир ЖУМАЕВ, Гулшана ХУДОЁРОВА, Шуҳрат АСЛОНОВ, Абдулла АСЛОНОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@umail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 945
Адади: 4 012
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 19:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ